



ОҒИЗ БЎШЛИҒИ МИКРОФЛОРАСИГА МИСВОҚНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Абдукаримова З. М, Холбоев Ф. М

*Талаба, Даволаш факултети, Микробиология, вирусология ва Иммунология
кафедраси, Тошкент Тиббиёт Академияси, Тошкент, Ўзбекистон.*

Эргашов О. И

*Микробиология, вирусология ва Иммунология кафедраси ассистенти, Тошкент
Тиббиёт Академияси, Тошкент, Ўзбекистон.*

Аннотация: *Оғиз бўшлиғи микрофлораси инсоннинг умумий саломатлиги ва ҳаёт сифатининг асосий кўрсаткичидир. Бутун дунёда кўплаб одамлар оғиз бўшлиғи касалликларидан азият чекади, айниқса доимий тиш кариесидан. Бу эса инсонни тишлаш, чайнаш, гапириш ва унинг психологик фаровонлигини чеклайди. Ўзининг тишлари соғлигини таъминлаш учун қандай тиш тозалаш воситаларидан фойдаланган яхши? Унга мисвоқнинг самарадорлиги қай даражада? Биз тажрибада ушбу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.*

Калит сўзлар: *Грам усули, микрофлора, кандида, бактерия, стафилакокк, стрептакокк, мисвоқ.*

Мавзунинг долзарблиги: Оғиз бўшлиғи ўзига хос, мураккаб ва барқарор микробиоценоз бўлиб, микроорганизмларни ўсиши ва ҳаётини фаолиятини таъминлаш учун жуда қулай муҳитдир. Шунинг учун оғиз бўшлиғи микрофлораси, турлар сони ва микробиал ифлосланиши бўйича йўғон ичакдан кейин иккинчи ўринда туради. Соғлом одамнинг танасидан кўп ёки камроқ чиқариладиган микроорганизмлар унинг нормал микрофлорасини ҳосил қилади. Оғиз бўшлиғида яшовчи микроорганизмларнинг турлар ҳилма-ҳиллиги ва микдори бўйича устун ўринни бактериялар эгаллайди [5,7,11,12]. Оддий микрофлоранинг муҳим вазифаларидан бири иммунитетни ўзига хос ва носпецифик, гуморал ва хужайравий механизмларининг иш ҳолатини сақлаб туришидир. Нормал микрофлоранинг патоген бактерияларга нисбатан антагонистик фаоллиги уларнинг бактерицид моддалар ишлаб чиқаришида намоён бўлади [8,10]. Бугунги кунга қадар микробиоценозлар бактериал турларнинг сони туғрисидаги маълумотлар етарли эмас. Оғиз бўшлиғидан топилган 250-280 турдаги бактериялар (турли муаллифларнинг ҳисоб-китобига кўра) соф културага ажратилган ва уларнинг хоссалари ўрганилган [1,3]. Турли муаллифларнинг маълумотиغا кўра, оғиз бўшлиғи микрофлорасини ўрганишда молекуляр биологик тадқиқот усуллари (масалан, 16S рРНК кетма кетлиги каби) фойдаланиш орқали 600 –750 турдаги микроорганизмлар топилган [2,9] ва бошқа олимларнинг ҳисоб китобига кўра ҳатто уларнинг сони бир неча минг турга етиши мумкин [4]. Оғиз бўшлиғининг куйидаги касалликлари кўплаб инсонларда тез-тез учраб туради. Буларга тиш кариеси, пародонтит, оғиз бўшлиғи саратони, ОИВ инфекциясининг интраорал кўринишлари, оғиз ва тиш жароҳатлари, лаб, танглай ёриғи билан боғлиқ аномал ҳолатлар мисол бўлади [6]. ЖССТнинг 2016 йилдаги маълумотларига кўра, бутун дунё бўйлаб камида 3,58 миллиард одам оғиз



бўшлиғи касалликларидан аъзият чекмоқда, доимий тишлардаги тиш кариеси кўриб чиқилган ҳолатлар ичида энг кўп учрайди.

Тадқиқот мақсади: Оғиз гигиенасини нормал сақлашда мисвоқнинг самарадорлиги микробиологик усулда аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва услублари: Тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси Микробиология, вирусология ва иммунология кафедраси базасида 2-курс талабалари орасида олиб борилди. Тадқиқот учун мисвоқдан 1 ойдан узоқ вақт давомида фойдаланаётган 24 нафар талаба ўз розилигига кўра текширилди. Бактериологик текширув учун талабанинг оғиз бўшлиғи ва мисвоғидан намуна олиниб, қонли агарга Голд ва сектор экиш усуллари орқали экилди ва 10^3 КХКБ/мл дан кўп концентрация ахамиятли деб топилди. Бактериялар ўсиши учун қулай шароит яратиш мақсадида 37°C остида 24 соатга термостатга кўйилди [9]. Ажратиб олинган культуралар морфологик, тинкториал, культурал хусусиятига кўра идентификацияланди. Ўсган бактериялар колониясидан текшириш мақсадида суртмалар тайёрланди. Суртмалар оддий ва Грамм усулида бўялиб, микроскоп остида курилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси: Оғиз бўшлиғидан тайёрланган суртма микроскоп остида кўрилганда 22 нафар (91,67%) талабаларда, оғиз бўшлиғининг нормал микрофлорасида учрайдиган *Str.spp*, *Staph.spp*, занжирсимон, шингилсимон диплококк кўринишида ва майда колониялардан иборат микрококклар аниқланиб уларнинг миқдори 1 млда 10^3 КХКБдан камлиги қузатилди. Бундан ташқари, 2 нафар (8,33%) талабаларимиз оғиз бўшлиғидан тайёрланган суртма текширилганда нормал микрофлора билан биргаликда, ўзига хос маржон шодасини эслатувчи *Candida albicans* ва унинг вегетатив шакли аниқланди.

Мисвоқдан тайёрланган суртмалар микроскоп остида кўрилганда кам миқдорда *Str.spp*, *Staph.spp*, диплококк ва микрококк бактериялари аниқланди. Оғиз бўшлиғида *Candida albicans* аниқланган талабалар мисвоғидан олинган суртмаларда ҳам унинг вегетатив шакли мавжудлигини қузатдик. Мисвоқдан тайёрланган суртмалар микроскоп остида кўрилганда патогенлик хусусиятини намоён қилувчи стафилококк, стрептакокк бактериялари нормал кўрсаткичларда ва ичак гуруҳидаги бактериялар умуман учрамади.

Хулоса: Мисвоқдан оғиз гигиенаси учун охириги 1 ой давомида фойдаланган 91,67% талабаларда патоген бактериялар аниқланмади, 8,33% талабаларда шартли патоген замбуруғ *Candida albicans* мавжуд. Замбуруғ мисвоқдан олинган суртмаларда ҳам ҳаёт фаолиятини сақлаб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Dewhirst F.E. The human oral microbiome / F.E. Dewhirst, T. Chen, J. Izard, B.J. Paster, A.C. Tanner, Wen-Han Yu, A. Lakshmanan, W.J. Wade // Journal of bacteriology. – 2010. – Vol. 192. – No 19. – P. 5002 – 50017.
2. Kreth J., Merritt J., Qi F. Bacterial and host interactions of oral streptococci // DNA and Cell Biology. – 2009. – Vol. 28. – No 8. – P. 397–403.
3. Paster B.J. The breadth of bacterial diversity in the human periodontal pocket and other oral sites / B.J. Paster, I. Olsen, J.A. Aas, F.E. Dewhirst // Periodontoljgy 2000. – 2006. – Vol. 42. – P. 80 – 87.
4. Redanz S. A Five-Species Transcriptome Array for Oral Mixed-Biofilm Studies / S. Redanz., K. Standar., A. Podbielski, B. Kreikemeyer // PLoS ONE. – 2011. – Vol. 6. – No 12. –P. e27827.



5. Войда Ю.В, Солонина Н.Л. Инсон микроэкологияси ва акушерлик-гинекологияда пиёинфламатуар касалликларни даволашда пробиотик дориларнинг роли // Annals of Mechnikov Institute-№2.-2012. Б 27-36
6. Всемирная организация здравоохранения, Всемирный доклад о гигиене полости рта ,2018.
7. Добренков Д.С, Характеристика биоценологических отношений бактериальных сообществ полости рта и микробиологическое обоснование принципов биокоррекции : дисс...канд. мед. Наук.-Волгоград 2014-с 146
8. Зорина О.А., Кулаков А.А., Грудянов А.И. Микробиоценоз полости рта в норме и при воспалительных заболеваниях пародонта // Стоматология – 2011. – № 1. – С. 73 – 78
9. И. Мухамедов, Э. Эшбоев, Н. Зокиров. Микробиология, иммунология, вирусология // Янги аср авлоди НММ, 2019 йил
10. Кренделев М .С “Одам оғиз микрофлораси” Журнал Фан ва таълимнинг замонавий муаммолари 2015-й. 5-сон
11. Микробиология, вирусология и иммунология полости рта: учеб. / [Царёв В. Н. и др.]; под ред. В.Н. Царёва. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. – 576 с.: ил.
12. Поздеев О.К. Медицинская микробиология: учебное пособие / под ред. В.И. Покровского. – 4-е изд., стереот. – М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010. – 768 с.: ил.